O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 181200

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 25 NOYABR SHANBA № 138 (26.688)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Авваламбор, кўҳна ва буюк цивилизация бешикларидан бири бўлган қуёшли Ўзбекистон заминида Шарқ миниатюра санъатининг беназир намояндаси, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги тантаналарида қатнашиш бахтига муяссар бўлганимиздан беҳад мамнунлигимизни изҳор қилмоқчимиз.

Мамлакатингиз ҳаёти билан танишар эканмиз, Ўзбекистон мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотлар йўлидан изчил бориб, ҳавас қилгулик ютуқларни қўлга киритганига шоҳид бўлдик. Жамиятдаги тинчлик-тотувлик, одамлар қалбидаги буюк келажакка ишонч, ўзбек халқига хос меҳмондўстлик ва бағрикенглик бизни бағоят хушнуд этди.

Энг муҳими, Ўзбекистонда ёш авлодни ҳаётбахш ва эзгу ғоялар, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, жамиятнинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берилаётгани, бу хайрли ишлар, муҳтарам Президент, бевосита Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилаётгани айниқса қувончлидир.

Биз биламизки, дунё фани ва маданияти ривожига, инсониятнинг маънавий камолотига улкан ҳисса қўшган буюк аждодлар меросининг қадрланиши, асраб-авайланиши ва теран ўрганилиши авлодлар парвози учун куч-қувват беради.

Ана шундай улуғ зотлардан бири бўлган Камолиддин Беҳзоднинг ижодий анъаналари барҳаётлигига, Шарқу Ғарбда мўйқалам соҳиблари учун, Сиз ўз қутловингизда таъкидлаганингиздек, ибрат ва илҳом манбаи бўлиб келаётганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Камолиддин Беҳзод даҳоси, унинг ўлмас асарлари бундан буён ҳам инсониятни гўзаллик ва эзгуликка чорлашига, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаверади.

Биз, халқаро илмий анжуман қатнашчилари, муҳтарам Президент жаноблари, Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини қўлга киритилаётган улкан ютуқлар билан самимий муборакбод этамиз. Мустақиллик ва тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бораётган саховатли ўзбек халқига тинчлик-омонлик, мамлакатингизга юксак равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

■ **«Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати» халқаро илмий анжумани қатнашчилари**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 23 ноябрь

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва маънавий тараққиёт борасидаги фикрлар акс этган асарлари нафақат юртимизда, балки кўплаб хорижий ўлкаларда ҳам катта шуҳрат қозонган. Мамлакатимиз раҳбари давлат ва жамият қурилиши, миллатни маънавий юксалтириш, мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлидаги самарали фаолияти, илмий-амалий ишлари учун чет эллардаги нуфузли илм масканларининг фахрий докторлик унвонларига, махсус нишонларига сазовор бўлган. Бу Ислом Каримов меҳнатининг халқаро миқёсда юксак қадрланишидан далолат, шу билан бирга, юртимизда эришилаётган улкан муваффақиятларнинг ҳамда танлаган йўлимиз тўғри эканлигининг эътирофи ҳамдир.

Бу эътироф кўп бор ўз тасдиғини топган: Ислом Каримов асарлари турли тилларга таржима этилиб, хориждаги сиёсатчилар, фан намояндаларига улар билан танишиш, мамлакатимизнинг улкан салоҳияти ҳақида тўлиқ тасаввур олиш учун имконият яратмоқда.

Яқинда Бирлашган Араб Амирликларида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» асари араб тилида нашрдан чиқди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида ана шу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, хорижий дипломатия ваколатхоналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маросимни Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов очди.

Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли билан бошланган мазкур китоб икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўтарилган диний экстремизм, шовинизм, минтақавий можаролар каби қатор муаммолар таҳлили акс эттирилган. Китобнинг иккинчи фаслида эса Ўзбекистон раҳбарининг «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли рисоласи ва Олий Мажлис сессияларида, буюк аждодларимиз юбилейларида, Шаҳидлар хотираси мажмуининг очилиш маросими ва бошқа йирик тадбирларда сўзлаган нутқлари келтирилган.

Маросимда Президентнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Фаластин давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Набил Ал-Лаххам ҳамда Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Махер Аҳмад Лукаша ва бошқалар сўзга чиқиб, ушбу асарнинг бугунги кунда ва истиқболдаги аҳамияти, мамлакатимизни хорижий давлатлар афкор оммасига янада яқинроқ таништиришда тутган ўрни ҳақида сўзлади.

■ **(ЎзА)**

«ИСТИҚБОЛ»НИНГ ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ

2000 йил 24 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Истиқбол» ёшлар клубининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу клубга республикадаги бир қатор ёшлар аъзо бўлдилар. Улар орасида талабалар, ишчи ва хизматчилар, олимлар ҳамда ижодкорлар бор.

«Истиқбол» клубини тузишдан мақсад — ёшларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш, йигит-қизларни сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантириш, уларнинг фуқаролик ва ижтимоий фаоллиги даражасини ошириш.

«Истиқбол» клуби ёшларнинг, эркин ва баркамол шахс сифатидаги, ижтимоий шаклланишида кўмаклашади, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ривожи йўлида онгли равишда қатнашишга ундайди, ёшлар ўртасида бўлғуси етакчиларни аниқлашга хизмат қилади.

Ёшларда муомала ва баҳс-мунозара маданиятини ривожлантириш, уларда мустақил фикр юритиш, мавзу юзасидан эркин сўзлаш, муқобил фикрни билдириш кўникмаларини шакллантириш каби ишлар ҳам «Истиқбол» клубининг вазифасидир.

Таъсис йиғилишида Клуб кенгаши, унинг раиси, раис муовинлари, тафтиш комиссияси сайланди. Шунингдек, «Истиқбол» клубининг келгусидаги иш режалари хусусида ҳам келишиб олинди.

■ **ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати**

ЎЗБЕК МОЛИЯЧИЛАРИ НЬЮ-ЙОРКДА

Яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ молиячилар Американинг етакчи банкларидан бири — «Чейз Манхеттен банк» ёрдамида ташкил этилган малака ошириш сафаридан қайтди.

Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва туман молия бўлимларининг 20 дан ортиқ вакиллари мамлакатимизнинг Банк Академиясида таълим олгач, икки ҳафта давомида дунёнинг молиявий маркази ҳисобланган Нью-Йоркда малака оширдилар.

Ўқиш жараёнида молиячиларимиз Американинг бюджет ва солиқ тизимлари, қимматли қоғозлар бозори структураси, маҳаллий бошқарув тизимининг хусусиятлари билан танишдилар. Шу билан бирга Нью-Йорк фонд биржаси, Федерал заҳира банки ва Нью-Йорк шаҳри ҳокимиятида бўлдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, америкалик мутахассислар ўзбек молиячиларининг билим даражасини «улар ўз ишларини яхши тушунадилар, у ёки бу масаланинг ўзига хос ечимини топа оладилар», — деб юқори баҳоладилар.

■ **Б. МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА, Нью-Йорк**

ХАВФ-ХАТАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Оҳангарон туманида Тошкент вилояти ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи идораларнинг идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. Унда Тошкент вилояти прокурори Комилжон Исмоилов «Тоғли ҳудудларда табиий офатларнинг олдини олишдаги ишларнинг аҳволи ҳақида» маъруза қилди.

«Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вилоятда бажарилиши қай аҳволда? Сўзга чиққанлар мазкур қонун ижросини таъминлаш борасида жойларда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, бутун диққат-эътиборни табиий офатнинг олдини олишга қаратиш зарур, дейишди.

Тошкент вилояти аҳолисининг кўпчилиги тоғли ва тоғолди ҳудудларида яшашади. Шунинг учун ҳам фавқулодда ҳолатлардан одамларни огоҳ этиб, хавфни бартараф этиш чораларини кўриш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

КИНОТАҚДИМ

ЧАЁНГУЛ ЧАНГАЛИ

Республика Киночилар уйи. Ҳали соат 6 га 20 минут бор. Катта зал томошабинлар билан тўлган. Жойсиз қолганлар бўш ўриндиқ қидирмоқдалар. Кимдир учун банд қилинган ўринга ўтирмоқчи бўлган аёлга бу жойнинг эгаси борлиги айтилди.

— Ахир мен режиссёрнинг опасиман, — деди аёл.

— Яхшиям эртароқ келибмиз, — дея хўрсинди ёнимда ўтирган қизим Барчиной.

Аслида «Чаёнгул» бадиий фильмининг премьераси пойтахт зиёлиларини бу ерга жам этди. Маънавий уйғунлик самараси бўлган ушбу фильмни кутлашга келганлар улкан томошахона узра ҳаяжонда нафас олардилар.

Саҳнага фильм ижодкорлари кириб келишди. Қўлларида асо тутган, соч-соқолига нур энган таниқли актёр Обид Юнусовни томошабинлар илиқ кутиб олдилар.

Қисқагина тақдимотдан сўнг фильм бошланди. Юракни ларзага солган дахшатли манзара. Чаёнгулнинг ерга урилиб парчаланиши. Бу гул бахтсизлик рамзи. Унинг қалбида гўзаллик эмас, чаён вужуди мужассам. Гулни кўтариб онасига эргашиб келаётган Журъат бувиси хонадонига чаён элтаётганини, гул шаклига кирган ёвузлик Асални маҳв этишини қаердан билсин. Опа-сингилнинг аянчли қисмати, Асалнинг номуси топталиши, кўнглининг чил-чил синиши. Опасининг эркаклар алдамайдилар дея юпатиши. Асалнинг бугун қоронғу тушмайди дея ўзини ўлим сари етаклаши, Ашурнинг отаси тушида унинг боши кундага қўйилиши ва ҳукмдан сўнг болта зарбидан гуноҳкорнинг боши узилиши...Бутун вужудим воқеалар ортидан эргашар экан, экранда яна пайдо бўлиб қолган Ашурни кўриб қизим мени турта бошлади. Базўр ҳа, дедим.

— Дада, Ашурни болта билан чопишган эди. Нимага у яна тирик.

— Ҳа, қизим. Ёмонликни ўлдириш қийин. Уни ўлдириб, йўқотиш машаққат. Агар дунёдаги барча болталар кундага бош қўйган ёмонликни чопиб ташласалар ҳам у қаердадир, қайсидир ковакда яшайверади.

Онасини тўйга кузатган Асал ўз жонига қасд қилади. Номусига чидолмаган қизнинг юзи — элнинг юзи дея одамлар бир-бирларига таскин берадилар.

Ашурнинг Асал номусига тажовуз қилиши, унинг отаси бўлмиш кекса муаллимни тўшакка михлаб қўяди. Кўзларида нур сўнаётган муаллим — эзгулик. Унинг сўнгги нафаслари тирик қалбларга эзгулик уруғини қадайди. Шундан бўлса керакки эзгулик ўлмайди. У кўнгилдан-кўнгилга кўчиб ўтаверади.

Фильм тугади. Ҳеч ким томошахонани тарк этгиси келмади.

Хуллас, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ва режиссёр С. Назармуҳаммедовларнинг бу асари барчада яхши таассурот қолдирди.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

МУЪЖИЗА

НОЯБРДА ЎРИК ПИШДИ

Худди шундай. Тўрткўл туманидаги Шўрахон қишлоғида, яъни Йўлдошали аканинг ҳовлисида бир туп ўрик хил-хил пишиб турганини кўриб ҳайратга тушдик. Ёз ойларидаёқ мевасини ерга тўкадиган эртапишар бу дарахтнинг аёзли кунлар эшик қоқиб турган чоғда — кузакнинг тугаши, қишнинг бошланиш палласида ҳосилга кириб, мевалари пишиши кимнинг ҳам тасаввурига келибди дейсиз. Айниқса, Қорақалпоғистонда совуқ эрта бошланади, қиш барвақт келади.

Эрта-индин қорёмғирлар бўрони остида атрофни ҳайратга солиб шохларида зардолилар товланиб турган бу дарахт кўз ўнгимиздан ўтаркан, олам мўъжизага ғарқ, юртимиз эса оламнинг Оллоҳ назари тушган бир қисмидир, дейишдан бошқа сўз тополмаймиз.

■ **Ўз мухбиримиз**

ЛУКМА

НЕГА СУКУТДАСИЗ?

АЙРИМ ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ, ТУМАН ВА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИКЛАРИ, ВАЗИРЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Одамлар ҳеч замонда адолатсизликка чидай олмайдилар. Гапнинг очиғи, бугун газетага шикоят ёзаётган киши ўша жойдаги тўсиқлар, ҳақсизликлардан нолиб мактуб йўллайдилар. Идорама-идора юриб, овора бўлаётган, иши битмагандан кейин таҳririятга мурожаат қилаётган газетхонларимиз хатлари асосида мақолалар тайёрлаймиз, асосан, ходимларимизни хизмат сафарига юборамиз, вилоятдаги мухбирларимизга мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқиш вазифасини юклаймиз. Буни қарангки, гоҳида шикоят асосида тайёрланган танқидий мақолаларимиз матбуот юзини кўргандан кейин ҳам айрим вилоятларда аҳвол ҳеч қандай ўзгаришсиз қолаётгани таажжубли ҳол. Қизиқ, бошлиқлар, мутасаддилар газета ўқишмайдими, деган хулосага келасан киши. Матбуотдан кўз юмган қайси раҳбар қўл остидагиларнинг арзини тингларкин? Йўқ, тингламайди. Менга деса осмон қулаб тушмайдими, деб гапга дўппини қўндиргувчи раҳбарлардан нимани кутиш мумкин?

Ҳой биродар, сиз ҳақингизда, сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот, туман, вилоят ёхуд вазирлик ҳақида танқид берилибди, матбуотга ёзиб чиқишди, наҳотки сиз бефарқсиз?

Ҳатто чоп этилган танқидий мақолалар тегишли раҳбарларга таҳririят томонидан жўнатилади ҳам. Шулар кўрсин, вазиятни таҳлил этсин деган ўйга борамиз. Баъзида эса ҳеч қандай жавоб ололмаймиз. Масалан: **Республика халқ таълими вазирлигига юборилган *«Тоғда арчанг бўлса»*** (15 январь), ***«Рихтер шкаласи бўйича XX аср»*** (3 февраль), ***«Зиёли каламушлар»*** (17 февраль), **Сурхондарё вилоят ҳокимлигига жўнатилган *«Бюрократ раҳбар эскича фикрлайди»*** (17 февраль), ***«Қил кўприк»*** (1 апрель), (шунингдек, ушбу мақола «Ўздавнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмасига ҳам жўнатилган эди), ***«Ижросиз қарор бўхтондан ёмон»*** (4 июль) сарлавҳали танқидий мақолаларга жавоб хати келмади. **Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига** йўлланган ***«Қонунни менсимаслик»***, ***«Фермер бойигани — эл бойигани»***, ***«Сохта ёзишмалар кимга керак?»***, **Республика соғлиқни сақлаш вазирлигига** ҳавола қилинган ***«Қарорни ким бажаради?»***, **Республика ижтимоий таъминот вазирлигига** юборилган ***«Кексаларга мадад бўларди»*** сингари танқидий мақолалар қайси бир раҳбарнинг тортмасида чанг босиб ётгани ажабланарли ҳол.

Бухоро вилояти ҳокими номига юборилган ***«Бугун ҳам Сталинга сиғинишми, бу?»*** сарлавҳали долзарб мавзудаги мақола жавобсиз қолди. Айниқса, **Қашқадарё вилояти ҳокимлиги *«Ўзим турган тепа омон бўлса бас»***, ***«Прокурор агар қасд қилса»***, ***«Сарсон бўлган аризалар»***, ***«Бу йўлдан катталар ўтармиш»*** сарлавҳали танқидий чиқишларимизга қачон жавоб йўлларкин? Шу ҳолат Жиззах, Андижон, Навоий, Сирдарё вилоятларида ҳам такрорланмоқда.

Раҳбарнинг маънавияти, одамлар орасидаги обрўси унинг кишилар тақдирига қандай муносабатда бўлиши билан белгиланади. Шу хислатни қалбига жо қилмаган раҳбарнинг ишида саранжомлик бўлмайди. Иши бесаранжом раҳбар эса на ўзини, на мансабини эплай олади. Юқорида тилга олинган ташкилотлар, ҳокимликлар ва вазирликлар ҳақида гоҳида шундай хаёлга боришга ҳақлимиз, деган фикр ҳам бизни безовта қилаётгани бор гап.

■ **ТАҲРИРИЯТ**

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

ТАРАҚҚИЁТСИЗ ҲАЁТ — ҲАЛОКАТ!

КИТОБ — СОДИК ДЎСТ

Бугун инсоният жуда кўп нарсани хоҳлайди — гўёки, унга кўп нарса керакдай. Лекин, одамзот ўзи истаган ўша кўп нарса нималигини биладими, гап шунда. Агарки, биз ҳар бир воқеа ва ҳодисанинг туб аҳамияти, ўзагини англаб олсак, энг муҳими, ҳаёт тарзимиз ва йўлимизни белгилаб олардик — нимани истаётганимизни ҳам фаҳмлар эдик. XXI аср сари юзланган дунё халқларининг асосий вазифаси бугун ҳаётни, ер юзини асраб қолиш, ўзи яратган кашфиётлар эвазига она заминимизни ҳалокатдан қутқариб қолишдан иборат. Мана, бугун бани-башар, цивилизация қай нуқтага кўтарилди. Тараққиёт ҳалокат сари бошламаслиги керак, мантиқан хулоса қилсак, ер юзидаги воқеа-ҳодисаларни тафаккуримиз чиғириғидан ўтказиб кўрсак, инсоният тириклик ва ҳалокат орасида худди баланд дор устида тебраниб турганини фаҳмлаб оламиз. Ва, ўз-ўзидан, битта хулосага келамиз, цивилизация, жаҳоншумул ядровий қуроллар, буюк ва қудратли техникалар, компьютер ва роботлар ақл-заковатимизнинг ўсиши белгиси эканлиги билан бирга, улар бизни — одамларни жаҳолат ёки ёрқинликка олиб чиқиш учун бир восита, холос. Яъни, ақл-идрокимиз, шууримиз ёрқинлиги ўз кашфиётларимиз кучини эзгуликка қаратишга ундайди. Бунинг учун оммани, инсониятни ўз ортидан эргаштира оладиган, ёруғ йўлни кўрсата биладиган сиёсий партияларнинг шаклланиб бориши, аниқроғи, тинимсиз фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Озод Ватанимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларнинг бугунги кунда ўз йўли, қарашлари, ўз интилишларини белгилаган низом ва дастурлари мавжуд. Бундан ташқари, бу тахлит партияларнинг бутун мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни, уларнинг олиб бораётган ишлари кенг жамоатчиликка маълум. Ёш мустақил давлатимизда демократик тамойилларнинг шаклланиши, энг аввало, сиёсий партияларнинг фаоллиги, кишиларнинг сиёсий онги, савия даражаси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Юқорида айтганимиздай, инсоният тақдир-аъмоли, курраи заминнинг гуллаб-яшнаши, тинчлик, фаровонликни бошга тож қилган сиёсий партиялар XXI аср сари ҳаётийлик, яшовчанлик рамзи сифатида ўз фаоллигини янада оширадилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалоловнинг **«ДЕМОКРАТИЯ: МАШАҚҚАТЛИ СУРУР»**, деб номланган китоби (—Т., «Университет», 2000, 350 б.) босмадан чиқди. Китобнинг дастлабки саҳифаларида шундай жумлаларни ўқиймиз:



«...фақат ақл-заковат, юксак маънавият ва ижодий тафаккур ила қамраб олинган оламгина инсонлар учун ўз қалбини очиши, уларнинг ҳаётий манфаатларига самарали хизмат қилиши мумкин».

Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиз: энг аввало, инсонга ботиний қудрат, куч-қувват, синмас ирода, бурч ва эътиқод ато этувчи манба, бу — ақл-заковат ва юксак маънавият. Тадқиқотчи, партия ходими бу тушунчани ҳар бир партия аъзоси, сафдошларимиз чуқур англаб етишини истайди. Кўзлаган мақсад ва ниятларимизга эришиш, амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимизни қойилмақом қилиб бажаришимизнинг асосий поғонаси, олтин пойдевори ана шу тушунчалар эканлигини, ҳаётий тажрибалар хулосаси ўлароқ, англаб етмоқдамиз. Чунки, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида давр мобайнида кишиларимиз онги, шуурида демократия тамойиллари шакллана борди. Ижтимоий ҳаётда демократия ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, осмондан ҳам тушмайди. Бу соҳада эришилган ютуқлар жаҳоний тажрибалар асосида ўрганилиши, таҳлил этилиши зарур. Муаллиф ушбу китобнинг *«Демократиянинг қўш қаноти»* сарлавҳали бўлимида шундай ёзади: *«Демократияни, XX асрнинг интиҳосидан ва инсоният тарихининг мелоддан кейинги учинчи минг йиллиги ибтидосида, бутун дунё ижтимоий тараққиётининг бош йўли, унинг, барча халқлар, миллатлар, давлатлар учун бирдай, умумэтироф этилган қадрият бўлиб бораётганини чуқурроқ англаш ушбу тажрибанинг энг муҳим қиррасини ташкил этди».* Китоб муаллифи айтмоқчики, бугун демократияни инкор этадиган бирон бир давлат, мамлакат топилмайди. Бироқ, ҳамма гап уни қандай тушунишда, унга қандай маъно ва мазмун бахш этишда. Асарда ҳар бир мақола, ҳар бир жумла аниқ ва тиниқ фикрлар, тушунарли ва лўнда, шу билан бирга, ўқувчи учун янги бир ғоя ва ўйлар берадиган тарзда ёритилган. Муаллифнинг нуқтаи назаридан келиб чиқиб, унда Президентимиз И. А. Каримов олиб бораётган сиёсат, барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мазмунини халққа етказиш мақсади кўзланганини айтиб ўтиш даркор. Китобдан ўқиймиз: *«Ҳамма нарса таққосланганда билинади, деган пурҳикмат нақл бор. Масалага худди мана шу тарзда ёндашиш шуни кўрсатмоқдаки, демократиянинг умумий моҳияти, мазмуни ҳамма даврлар ва халқлар учун бир хил маънони англатади. Яъни: ихтиёрийлик, сайлов, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, юқорининг қуйи олдида ҳисоб бериши ва ҳоказо...»* Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, демократиянинг яқин-яқинларгача чекланганини, унинг фақат жамиятнинг ҳукмрон доиралари учун амал қилиб, халқнинг аксарият қисми ундан бебаҳра қолганини таъкидлайди ва: *«Фақат бутунга келиб, демократиянинг, энига ҳам, бўйига ҳам, барча учун баробар қадриятга айланиши ва унинг бутун дунёда тарихий зарурат эканлиги яққол кўринмоқда...»* Биз мазкур китоб орқали демократиясиз ижтимоий адолат, ижтимоий адолатсиз инсонга муносиб турмуш шароитининг, муносиб турмуш шароитисиз ҳеч қандай ривожланишнинг йўқлигини, ривожланишсиз ҳаёт эса муқаррар ҳалокат эканлигини тушуниб етамиз.

Маълумки, 1994 йилги сайловлардан сўнг ХДП кўппартиялилик шароитида ҳаракат қилувчи сиёсий кучга айланди. Шундан бери, у халқ билан ҳамнафас тарзда ўсди, улғайди. Айниқса, ўтган йилги сайловларда партия сафида тушунган, онгли аъзолар, зиёлилар мавжудлиги, унинг мамлакатимизда ўз салоҳиятига эга, ўрни ва овози бор етук партия эканлигига халқ оммаси тан берди. Партия аъзолари демократия ва тараққиёт тарафдори эканликларини исбот этди. Тўпланган бой тажрибалар, сиёсий билимларнинг юқорилиги боис, ўз сайловчилари олдида партиянинг обрўэътибори ошди. Буни парламентдан олинган ўринлар, сайловларнинг умумий натижаси ҳам кўрсатиб турибди. Китобдан муаллифнинг матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалари, журналистларга берган интервьюлари, кузатишлари, фалсафий мушоҳадалар билан бойитилган ҳолда, ўрин олган. Хулласи, китоб, ҳар бир ХДП аъзоси учун, муҳим бир қўлланма, партия фаолиятининг кўзгуси сифатида қадрлидир. У икки қисмдан иборат. Биринчи қисм — *«Демократия — халқнинг ташкилий уюшқоқлиги»*, иккинчи қисм — *«Демократия — юксак маънавият»*, деб аталади.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

КЎРГАЗМАДА ЎЗБЕК МУСАВВИРЛАРИ АСАРЛАРИ

Сеулдаги «Олимпиа Рамадан» меҳмонхонасида жаҳон халқлари маданияти ютуқларига бағишланган санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Корея Республикасидаги ваколатхонаси ташаббуси билан ушбу халқаро ташкилот ташкил этилганининг 55 йиллик юбилейига бағишланди.

Мазкур тадбирни ташкил этишда Корея Республикасида аккредитация қилинган дипломатия ваколатхоналари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Сеулдаги элчихонаси ҳам фаол қатнашди.

Ўзбекистонлик мўйқалам усталари — Р. Мирзаев, Д.Парк ва А. Перов яратган асарлар тимсолида мамлакатимиз санъати намуналари кўргазмада муносиб тарзда намойиш этилди. Мўйқалам соҳибларимиз яратган «Шоҳимардон», «Бухоро», «Хива кўчалари», «Амир Темур музейи» номли асарлар санъат ихлосмандларининг алоҳида диққат-эътиборида бўлди. Кўргазмага ташриф буюрганлар ўзбек халқининг бой маданий мероси билан танишиш имкони яратилганидан мамнуният изҳор этишди.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, кўргазма ишини ташкил этишдаги фаол иштироки, шунингдек, жаҳон халқлари ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун Ўзбекистон элчихонасига БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг шахсий мактуби тақдим этилди.

■ **«Жаҳон» АА**

УКРАИНА ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

БУЮК БРИТАНИЯ

ЭЛЧИ ТАЙИНЛАНДИ

Буюк Британия ҳукумати 46 ёшли дипломат Чарлз Кроуфордни Югославияга элчи этиб тайинлади. У Болқон минтақасида ишлаш учун етарли тажрибага эга, деди мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили. Янги элчи 2001 йилнинг январидан ўз вазифасини бажаришга киришади.

ГОЛЛАНДИЯ

ТАШАББУС

Голландия меҳнат партияси мамлакат ҳудудида сақланаётган АҚШга қарашли тактикавий ядро қуролларини йўқ қилиш ташаббусини илгари сурди. Ушбу масала музокаралар йўли билан ҳал қилиниши лозим, деди партия вакили.

ЛИТВА

НАТО МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛАДИ

Литванинг янги бош вазири Роландас Паксас мамлакат ҳукумати НАТОнинг барча мажбуриятларини тўлалигича бажаришга шайлигини маълум қилди. Хусусан, келаси йил ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1,95 фоизига тенг миқдордаги маблағ мамлакат мудофаа тизимини янада такомиллаштиришга сарфланади, деди у журналистлар билан учрашувда. Жорий йилда шу мақсадлар учун ажратилган маблағ ЯИМ ҳажмининг 1,6 фоизига тенг.

ГЕРМАНИЯ

5 ФОИЗ КАМ

Германияда автомобиль ҳалокати туфайли ҳалок бўлаётганлар сони йилдан-йилга камаймоқда. Статистик маълумотларга қараганда, мамлакат бўйича жорий йилнинг ўн ойида 1,72 миллионта ҳалокат юз берган ва 5,590 киши ҳалок бўлган. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан беш фоиз кам.

ШВЕЙЦАРИЯ

БЮРО ОЧИЛАДИ

Швейцария ҳукумати Ироқда ўз бюросини очишга қарор қилди. Бу бюро швейцариялик ишбилармонларнинг Бағдоддаги фаолиятини таъминлаш, инсонпарварлик тадбирлари ҳамда консуллик билан шуғулланади. Швейцариянинг Ироқдаги элчихонаси Форс кўрфази уруши сабабли 1991 йилда ёпилган эди.

ЯПОНИЯ

БОШ ВАЗИР РЕЖАЛАРИ

Мухолиф кучларнинг тазйиқларини бартараф этган Япония бош вазири Иосиро Мори декабрь ойида вазирлар таркибини ўзгартиришни режалаштирмоқда. Мухолифлар ҳукумат томонидан И.Морига нисбатан ишончсизлик билдирилишига уринган эди. «Иомиури» газетасининг ёзишича, Иосиро Мори ҳукуматни қайта тузгани билан катта ўзгариш қилмайди. Масалан, молия вазири Киити Миядзавани ўз лавозимида сақлаб қолмоқчи. Чунки, у Японияда юз берган молиявий тангликни бартараф қилишда самарали меҳнат қилмоқда.

■ **(ЎзА)**

САМАРҚАНД ЧИННИСИ

Самарқанднинг «Нафис» ҳиссадорлик жамиятида жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган чинни буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Заводимизда 1300 киши меҳнат қилади. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик маоши 20-30 минг сўмни ташкил этади. Мақсадимиз бутун оламга донғи кетган Самарқанд чинниларининг шон-шуҳратини тиклаш. Ҳозир заводимизда қўшимча иш ўринлари, хорижий давлатлар билан қўшма корхона очиш устида иш олиб бормоқдамиз. Гипсни қайта ишлаш цехи эса иш бошлаш арафасида. Тайёрланаётган маҳсулотларимиз сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Заводнинг барча цехлари тўлиқ таъмирланмоқда. Ишчиларга меҳнат шароити яхшиланмоқда. Корхонамиз ишчи-хизматчилари болалари учун боғча фаолият кўрсатмоқда. Завод ҳисобидан жамоа аъзоларини тез-тез шифокорлар кўригидан ўтказиб турамиз. Корхонада тайёрланган чинни буюмлар тўпламларига хорижликлар ҳам харидор. Германиялик, хитойлик ишбилармонларнинг заводимизга қизиқиши катта, — дейди биз билан суҳбатда ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Болтақул Тўрақулов.

Биз ҳам кўҳна Самарқанднинг довруқли корхонасининг янги-янги зафарларга эришишига тилакдошмиз.

■ **Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО ўғли**
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бу йил деҳқонлар учун оғир келди. Сув танқислиги туфайли пахтадан етарли ҳосил олинмай қолди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари қурғоқчиликдан кўпроқ азият чекишди. Орол фожиаси туфайли вужудга келган экологик вазият пахтачиликка ҳам сезиларли таъсир этяпти. Лекин деҳқонлар етиштирилган ҳосилни териб, хирмонга топширишди.

Бинобарин, пахта чигити ёғчилар учун асосий хомашё ҳисобланади. Хўш, бу борадаги аҳвол қандай? Ёғ-мой корхоналарида ана шу муҳим хомашё етарлими? Шу мақсадда биз «Чимбой мой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлдик.

Очиғи, бу ердаги манзарани кўриб кўнглимиз таскин топди. Корхона ёнида машинаю тракторлар тирбанд. Ҳаммасида чигит ортилган. Булар яқин туманлардаги пахта тозалаш заводларидан келган. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар чигитни пешма-пеш қабул қилишяпти. Айни пайтда корхона дарвозасидан тайёр маҳсулот — ёғ, шелуха ва кунжара ортилган машиналар ҳам чиқиб кетяпти.

Ҳа, бугунги кунда корхона бир маромда ишлаб турибди. Ёзда, яъни хомашё камайган пайтда корхонадагилар қўл қовуштириб ўтиришни ўзларига эп кўрмайдилар. Завод цехларини таъмирлаш, уни қайта жиҳозлаш ишлари айнан худди шу пайтда амалга оширилди.

Аслини олганда, «Чимбой мой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти анча йиллар аввал ишга туширилган бўлиб, айни пайтда бино ва иншоотлар, дастгоҳлар ҳамда асбоб-ускуналар эскириб қолган. Уларнинг кўплари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шу боис ҳам эскириб қолган техника воситаларини янгилари билан алмаштириш жадал суръатлар билан олиб борилиши керак. Ишлаб чиқаришдан тушаётган маблағнинг асосий қисми таъмирлаш ишларига сарфланаётганлиги бежиз эмас.

Корхона ишчи-хизматчилари янги мавсумни ғайрат-шижоат, катта иштиёқ билан бошладилар. Буни октябрь ойида эришилган ютуқлардан ҳам билиш мумкин. Бир ой ичида режадаги 2385 тонна ўрнига 2410 тонна чигит қайта ишланиб, бу кўрсаткич 101 фоиздан ошди. 338 тонна қора ёғ, 877 тонна шелуха, 1032 тонна кунжара, 45 тонна соапсток ишлаб чиқарилди. 287 тонна тозаланган ёғ тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Зеро, шахсий манфаат умумий манфаат пойдевори эканлигини одамлар яхши биладилар. Ўтган йили иш ҳақи 7-8 минг сўмдан ошмаган бўлса, бу йил 13-15 минг сўм. Йил якунига кўра мўмайгина дивиденд олиниши кутилмоқда.

— Биласизми, — дейди биз билан суҳбатда ҳиссадорлик жамияти раиси Кенгесбой Генжабоев, — корхонамиз ишчи-хизматчилари бу йилги ҳосил чигитини янги йилнинг кўкламидаёқ қайта ишлаб бўладилар. Шу боис эндиликда биз корхонанинг йил бўйи тўхтовсиз ишлашини таъминлашимиз лозим. Бу режани амалга ошириш мақсадида «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси Азамат Жамолов ва бошқа мутахассисларнинг мададига таяняпмиз. Яқиндагина Қирғизистон Республикасидан 7,5 тонна сифатли махсар уруғини олиб келдик. Келгуси йили минг гектар ерга шу уруғни экамиз. Бу экин Қорақалпоғистон ерларида яхши ўсади. Сувсизликка чидамли. Ҳосилдорлиги ҳам юқори. Энг муҳими, агар пахта чигитидан 18-20 фоиз ёғ чиқса, махсар донидан 40-42 фоиз ёғ чиқади. Яна бир эзгу мақсадимиз шуки, яқин келажакда 10 минг гектар ерда кунгабоқар етиштириш. Бухоро вилоятида ўтказилган тажрибалар бу экиннинг самарадорлигини кўрсатди. Шу боис биз Молдовадан паст бўйли кунгабоқар уруғини олиб келамиз.

Ҳозир эса корхонадагилар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга интилмоқдалар. Яъни, келаётган чигитни вақтида қайта ишлаб, сифатли маҳсулот тайёрлашмоқда. Шу билан бирга жамоа аъзолари эртанги кунга катта умид билан қарамоқдалар.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

«ҲАҚ» БИЛАН «ҲУҚУҚ»ДА ФАРҚ БОР

ТИЛ — ЭЛНИНГ НОМУСИ

Тил бирликларини, хусусан, сўзни қўллаш тилда муҳим ҳодиса ҳисобланиб, охир-оқибатда жамият аъзоларининг алоқасига таъсир этади ва уларнинг маданий савияси ифодачисига айланади. Афсуски, баъзан сўз қўллашда палапартишлик кўзга ташланмоқда. Биз қуйида фақат икки сўз **«ҳақ»** ва **«ҳуқуқ»** сўзларининг қўлланилиши ҳақида мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

«Ҳақ» — сўзи ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, кўп маънолидир (бизни ушбу ўринда унинг араб тилидаги шакли ва маънолари қизиқтирмайди). Бу сўзнинг изоҳли луғатдаги маъноларини санаб ўтамиз: **тўғри, чин, рост, ҳуқуқ, улуш, тўлов** каби. Ушбу сўзнинг адабий тилдаги маънолари юқорида кўрсатилганлари билан чегараланади. Адабий тил ҳар бир сўзнинг ўрнида қоидага мувофиқ ва мантиққа мос қўлланишини ҳам талаб этади. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тили «иш ҳақи», «қалам ҳақи» каби қўллашларни қабул қилган, чунки «ҳақ» сўзининг тўлов маъноси «иш учун» ва «қалам меҳнати» учун келади, яъни мантиққа мос бўлади. Бироқ ҳозир ҳар бир автобус, троллейбус ва бошқа транспортларда «йўл ҳақи...» деган ёзувларни учратамиз. Энди бу сўз бирикмасини «иш ҳақи» билан қиёслаб кўринг: Иш ҳақи иш учун тўланадиган муздмас, «йўл ҳақи» ҳам йўл учун тўланадиган муздми? Йўқ, йўл учун тўланадиганининг номи йўл солиғи. Кира қилувчи ҳайдовчи ёки кира йиғувчи кирачи (паттачи) йўловчидан йўл солиғи — «йўл ҳақи» олишга нега ҳадди сиғади! Одам Атодан бошлаб шу кунимизгача пиёда йўл ҳақи-солиғи тўламаган. Таклиф: «йўл ҳақи» ўрнига «кира», жуда бўлмаса «кира пули» атамаси қўлланилса.

Келиб чиқиш нуқтаи назаридан «ҳақ» сўзи билан бир ўзакдан ҳисобланмиш **«ҳуқуқ»** сўзи маъноларига изоҳли луғатимизда узундан-узоқ қуйидаги тафсилот берилган: 1. **давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ... қонун-қоидалар, нормалар мажмуи; 2. кимсага бирор иш-ҳаракат учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа қонун-қарор билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёр.**

Ажратиб кўрсатилган сўз маъноларига эътибор беринг ва ҳозир биз ижтимоий ҳаётимизда ва жаҳон ижтимоий ҳаётида кенг ишлатилаётган «инсон ҳуқуқи» бирикмаси мазмуни билан чоғиштиринг. Биз ишлатаётган «инсон ҳуқуқи» бирикмасидаги «ҳуқуқ» юқоридаги изоҳ асосида давлат белгилайдиган, давлат қонунлари берган ихтиёрдир. Энди 1948 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан «Инсон ҳуқуқларининг ялпи декларацияси»даги биринчи моддага эътибор беринг: **«Барча инсонлар ҳур туғилади ва ҳақ ҳамда ихтиёр нуқтаи назаридан тенгдирлар».** Яъни, инсонга инсоний ҳақ-ҳуқуқларни давлат ёки бирон бир идора томонидан бериши ҳақида гап кетмаяпти, инсон туғма эга бўлиши, эга бўлиши учун инсонлигининг ўзи кифоя қиладиган хусусият ҳақида гап кетаяпти. Шундай экан, биз «инсон ҳуқуқлари» атамасини олиш билан БМТ Бош Ассамблеяси бу атамага юклаган тушунчадан фарқли тушунчани олган бўламиз. Яъни, БМТ инсон туғма эркин, ҳур бўлади деса, биз эркинлик, ҳурликни инсонга давлат ёки бошқа ижтимоий ташкилотлар беради, деб қабул қилганмиз. Албатта, бу ўринда рус тилининг таъсири катта бўлганлигини, собиқ совет даврида ясалган, лекин у кезларда кераксиздай бўлган бу атамани биз мустақилликдан кейин ҳам ўйламай-нетмай ишлатаверишимиздан кўрмоқ керак. Рус тилида туғма эрк, ихтиёрни ифода этувчи сўз билан бирор кишилик идораси берган изн, эркни ифодаловчи сўз айнан, яъни «право» бўлганлиги ҳам бу ўринда кам аҳамият касб этмаган. Бизнинг хатомиз рус тилидан ҳеч ўйланиб ўтирмай калка (айнан таржима) қилишимиздир. Оқибатда нафақат ҳуқуқий жиҳатдан нотўғри атамага эга бўлдик, балки масала моҳиятини англашимизда ҳам чалкашлик вужудга келди: **мажлисга иштирок этмаслик ҳуқуқи билан оталик ҳақини бир сатҳда кўра бошладик.** Яратганимиз берган ҳақ билан, жамият берган ва берадиган ҳуқуқни бир-биридан фарқловчи сўз бор. Бу сўзни биз мақола бошланишидан ишлатиб келдик, яъни «ҳақ» сўзини. Бу сўз «йўл ҳақи» йўсинда эмас, балки «инсон ҳақи» тарзида ишлатилиши керак эди. Чунки инсон юқорида айтилганидек, ўзи дунёга келганидан бошлаб, қайси жамият, қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар инсонийлик ҳақлари бор. Бу инсоний ҳақлар, фикр ва ҳаракат эркинлиги қатори, оталик, оналик, болалик ҳақлари, яшаш, ўқиш-ўрганиш ҳақлари каби жуда кўп жиҳатларни ўз ичига олади. Бу ҳақлар ҳуқуқ каби берилмайди, балки тан олинади.

Қизиғи шундаки, оддий халқ ўз нутқида **«ҳақ»** билан **«ҳуқуқ»**ни фарқлайди, англамаган ҳолда бўлса ҳам. Этибор беринг-а, нима, менда отанг (онанг)нинг ҳакки борми дейди, лекин ҳеч вақт «отангнинг ҳуқуқи борми», демайди. Ҳақимни бер, дейди, лекин адашиб, ҳуқуқимни бер, демайди. Ҳақини ажратадиган бўлиб қолди дейди, лекин ҳуқуқини ажратадиган бўлиб қолди, демайди. Демак, тилимизда «ҳақ» сўзи «Инсон ҳақлари декларациясида ифода этилган маъноларни» тўлиқ ифода эта олар экан. Биз «инсон ҳуқуқлари» ўрнига «инсон ҳақлари»ни ишлатсак ўринли ва тўғри бўлмасмикин?

Биз ўз тилимиз имкониятларидан, хусусан, унинг равон, қолипли грамматикаси, сонсиз сўзлари маъно нозикларидан ўринли, тўғри фойдаланишни ўрганишимиз, бу устида бош қотирмоғимиз лозим.

■ **ЎРДАБЕКЛИ**

Dushanba 27

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Лирик тароналар.
9.10 Кино янгиликлари.
9.25, 12.35 ТВ-метео.
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм.
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
12.05 Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».
12.40 «Истиқлолим — истиқболим».
13.00 «Оталар чойхонаси».
14.10, 17.25 ТВ-анонс.
14.25 «Муносабат».
14.45 Мультфильм.
15.00, 18.45 ТВ-клип.
15.10 «XXI аср талабалари».
15.55 «Олмазор». Бадиий фильм.
17.35 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
18.10 «Мусиқа бекати».
18.20 ТВ-патруль.
18.30 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.40 «Футбол шарҳи».
21.55 «Рамазон туҳфаси» «Мангуликнинг икки қирғоғи». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот».
00.10 «Экспедиция». Телесериал. 34-қисм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» почтаси, «Ким эпчил-у, ким чаққон».
10.30 «Манзур».
10.50, 12.05, 17.05 «Мусиқий лаҳзалар».
11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.40 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 28-қисм.
12.10 «Автосалтанат».
12.25 Ҳайитмат Расул. «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Чўлиқуши». Телесериал (якунловчи) 7-қисм.
14.45 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
14.55 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телесериал. 1-қисм.
15.40 «Хоразм наволари».
16.00 «Жаҳон жуғрофияси». «Сирли ҳайвонот олами».
16.50 «Жалолиддин Мангуберди». Мультфильм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри», «Болалар учун концерт», «Мульттомоша».
17.55 «Ўзбегим қураши».
18.15 «Ватан мадҳи».
18.25 «Эрта сўнган юлдузлар».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».
19.55 «Ёшлик қўшиқлари».
20.05 «Ёшлар овози».
20.25, 21.05, 22.30 Эълонлар
20.30 «Лафз». Телесериал. 1-қисм.
21.10 «Қадрият».
21.25 «Олтин мерос».
21.35 «Бир пиёла чой устида».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.10 -1.15 «Ҳайрли тун».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.15, 1.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Осойишталик фидойилари».
21.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Япония ҳақида ҳикоялар». Келажак бугундан бошланади.
22 10 «Эҳтиром ила».
22.30 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Кинонигоҳ. «Танишинг, Жо Блэк». 1-қисм.
1.35-1.40 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Сериал.
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Интернет ҳудуди».
18.25 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
18.50 «Мени кутгил».
19.40 «Жадаллаштирилган ёрдам-2». Сериал.
20.15 «Қора хона». Сериал.
20.40 «Клип-антракт».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.45 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
23.00 «Клип-антракт».
23.10 Кинематограф. «Махлуқ». Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.00 Тунги сеанс: «Бир боқишда». Бадиий фильм.
3.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

Соат 18.00 га кадар профилактика.
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.35 «Педдингтон айиқчасининг саргузаштлари». Мультсериал.
19.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
